ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

МУҚИМОВА ЗОҲИДА РАСУЛОВНА

ЎТКИР ҲОШИМОВ АСАРЛАРИ ТИЛИНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ВА ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

УЎК:811.512.133:81’1(092)Ҳошимов (043,3)

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)по филологическим наукам

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in philological sciences

Муқимова Зоҳида Расуловна
Ўткир Ҳошимов асарлари тилининг лингвопоэтик ва лингвомаданий хусусиятлари..... 5

Мукимова Зохида Расуловна
Лингвопоэтические и лингвокультурные особенности языка произведений Уткура Хошимова..... 28

Muqimova Zohida Rasulovna
Linguopoetic and linguocultural features of the language of Utkir Khoshimov's works…… 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works …… 57

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

МУҚИМОВА ЗОҲИДА РАСУЛОВНА

ЎТКИР ҲОШИМОВ АСАРЛАРИ ТИЛИНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ВА ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2019.2.PhD/Fil450 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти веб-саҳифасининг www.tai.uz ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталининг www.ziyonet.uz. манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Худайберганова Дурдона Сидиковна**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Юлдашев Маъруфжон Муҳаммаджонович**
филология фанлари доктори ,
доцент
Сапарниязова Муяссар
филология фанлари номзоди,
доцент

Етакчи ташкилот: **Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси,5-уй. Тел.: (871) 233-71-44; факс: (871) 233-71-44; e-mail:uztafi @academy.uz.)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2020 йил «_____»_____да тарқатилди.
(2020 йил « ____» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Н.М.Маҳмудов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, ф.ф.д.,
профессор

Ғ.М.Исмоилов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш
котиби, ф.ф.н, катта илмий
ходим

И.Ж.Йўлдошев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси ўринбосари,
ф.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тил бирликларининг лингвопоэтик ва лингвомаданий жиҳатларини тадқиқ этиш янада долзарблик касб этмоқда. Зеро, дунё лингвистикасида XX аср охиридан бошлаб тилни антропоцентрик ёндашув асосида тадқиқ этиш барқарорлашиб, бугунги даврда лисоний бирликларни миллат маданияти билан алоқадорликда ўрганувчи лингвомаданиятшунослик тармоғи истиқболли йўналишга айланди. Сўнгги ўн йилликларда тилни ўз соҳиби, унинг миллий менталитети, миллий маданияти билан бирга тадқиқ этишга эътибор кучайди. Муайян адиб асарлари тилига поэтик жиҳатдан актуаллашган бирликларга лингвопоэтик ва лингвомаданий жиҳатдан ёндашиш бетакрор она тилимизнинг ифодавийлигини ёритиб берувчи тадқиқотларнинг янада теран, янада асосли бўлишига хизмат қилади.

Дунё тилшунослигида тил ва маданият, тил ва тафаккур ўртасидаги алоқа масаласи ўз долзарблигини йўқотмайдиган масалалардан ҳисобланади. Лингвомаданиятшуносликка оид тадқиқотларда маънавий қадриятлар тўплами ва маълум бир миллий-маданий жамоанинг тилшунослик тажрибаси ўрганилиб, тил ва маданиятнинг ўзаро боғлиқлик белгиларига бевосита эътибор қаратилган. Лингвопоэтикада эса бадиий матн тили, шакли ва мазмуни бирлиги, тил бирликларининг эстетик вазифаси, бадиий қиммати ҳамда унинг ўқувчига эстетик таъсирини ўрганиш асосий вазифа бўлиб келди. Кейинги тадқиқотларда эса лингвомаданий бирликларнинг бадиий асардаги эстетик хусусиятларини тадқиқ этувчи илмий қарашлар ҳам юзага келганини кузатиш мумкин.

Ўзбекистонда илм-фан соҳасида олиб борилаётган туб ислоҳотлар, айниқса, ўзбек тилининг Давлат тили сифатидаги мақомини мустаҳкамлаш, унинг нуфузи ва мавқеини кўтариш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида фаол қўлланишини таъминлаш бўйича қабул қилинган қатор қонун ҳамда қарорлар ўзбек тилини илмий ўрганишни янги босқичга кўтариш заруриятини юзага келтирди. Тилимиз ривожига оид муҳим тарихий ҳужжатда белгиланган «Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш» мақсади[1] ўзбек тилшунослари олдига ҳал қилиниши лозим бўлган бир қатор вазифаларни қўйди. Халқ маьнавияти юксалишига ҳамда тилимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган ўзбек адиблари асарлари тилини ўрганиш давр тақозосига айланмоқда. Бу борада Ўткир Ҳошимов асарлари тили ҳам она тилимизнинг эстетик жилосини, ҳам лингвомаданий хусусиятларини очиб бериш жиҳатидан жиддий ўрганилишга муносиб. Ўткир Ҳошимов ўз ижодий мероси билан ўзбек маданиятига катта ҳисса қўшган ижодкордир. Адиб ўз асарларида халқимизнинг юксак маънавияти, миллий тафаккури, руҳиятини ўзбек тили имкониятлари воситасида маҳорат

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6084-сон Фармони. Манба: http://lex.uz docs/ 505835; uza.uz/uz/posts/mamlakat.

билан ёритиб берган. Бинобарин, Ўткир Ҳошимов асарларининг тилини ўрганиш бугунги ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5850-сон, 2020 йил 20 октябрдаги «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6084-сон, 2020 йил 29 октябрдаги «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6097-сон Фармонлари; 2019 йил 4 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги ПҚ-4479-сон қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги «Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 984-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кейинги йилларда дунё филологларининг диққат марказида бўлган бадиий матндаги лингвопоэтик ва лингвомаданий бирликларнинг ўрни масаласи ҳам тилшуносликда алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу борада жаҳон тилшунослигида ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам муайян тадқиқотлар қилинган.

Жаҳон тилшунослигида В.В.Виноградов, В.Я.Задорнова, А.А.Липгарт каби олимларнинг[2]нинг лингвопоэтик ёндашувдаги; В.Н. Телия, В.В.Воробьев, С.В.Иванова, В.В.Красних, В.А.Маслова[3]нинг лингвомаданиятшунослик доирасидаги ишлари илмий қимматга эга. Ўзбек тилшунослигида С.Каримов, Н.Маҳмудов, М.Ёқуббекова, М.Йўлдошев,

---

[2]Виноградов В.В. Избранные труды. О языке художественной прозы. –М., 1980. –360 с; Шу муаллиф. Итоги обсуждения вопросов стилистики. –М., 1986. – С.117-189; Задорнова В.Я. Словесно-художественное произведение на разных языках как предмет лингвопоэтического исследования: Дисс. ...докт. филол. наук. –М., 1992. –152 с. Шу муаллиф. Слово в художественном тексте / Язык, сознание, коммуникация: Сб. статей / Отв. ред. В. В. Красных, А. И. Изотов. – М.: МАКС Пресс, 2005. – С.115-125; Липгарт А.А. Лингвопоэтическое сопоставление: теория и метод. –М., 1994. –276 с; Шу муаллиф. Лингвопоэтическое исследование художественного текста: теория и практика: Дисс. ... докт. филол. наук. – М., 1996. – 656 с.

[3]Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Шк.»Языки русской культуры», 1996. – 288 с; Воробьев В.В. Лингвокультурология (теория и методы). –М.: РУДН, 1997. – 331 с; Иванова С.В. Культурологический аспект языковых единиц. – Уфа, 2002. – 114 с; Красных В.В. Этнопсихолингвистика и лингвокультурология: Курс лекций. – М.: Гнозис, 2002. – 284 с.;Маслова В. А. Лингвокультурология: Учеб. пос. для студ. вузов. – М.: Академия, 2001. – 208 с.

Д.Худойберганова, Ш.Усмонова, Д.Анданиязова, Ш.Тошхўжаева, Г.Насруллаева, Ф.Усмонов[4] ва бошқа олимларнинг бадиий асар тили ва ўзбек тилининг лингвомаданий хусусиятларига доир тадқиқотлари диққатга сазовор.

Ўзбек адабиётшунослигида Ўткир Ҳошимов асарларини бадиий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиб берувчи илмий тадқиқотлар яратилган[5]. Тилшунослигимизда эса ёзувчи асарларидаги сўзлар, жумла ва матнлар лингвопоэтика, лингвомаданиятшунослик, ономапоэтика доирасидаги тадқиқотларда таҳлилга тортилганини кузатамиз. Хусусан, М.Йўлдошевнинг бадиий матн лингвопоэтикаси, Д.Худойберганованинг матннинг антропоцентрик жиҳати, Д.Анданиязованинг поэтонимлар таҳлилига бағишланган ишларида ёзувчи асарларига қайта-қайта мурожаат қилинган.[6] Аммо, айтиш жоизки, Ўткир Ҳошимов асарлари тилининг лингвопоэтик ҳамда лингвомаданий хусусиятлари шу вақтга қадар монографик йўсинда тадқиқ қилинган эмас.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

---

[4]Лингвопоэтик ёндашувда: Каримов С. Бадиий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари: Ўқув қўлланма. – Самарқанд: СамДУ нашриёти, 1994. –72 б; Маҳмудов Н. Ойбек шеъриятидаги ўхшатишларнинг лингвопоэтикасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1987. – № 4. – Б.34-36. Шу муаллиф. Шайхзода сўзининг лингвопоэтикасига чизгилар / Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. Илмий-назарий анжуман материаллари. – Тошкент, 2009. – Б.12-17; Ёкуббекова М.М. Ўзбек халқ қўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари: Филол.фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2005. –153 б; Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент, 2007. – Б. 91; Шу муаллиф. Бадиий матн лингвопоэтикаси. –Тошкент: Фан, 2008. – Б. 111; Шу муаллиф. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати: Филол. фан. номз ... дисс. – Тошкент, 2009. – Б. 126; Шу муаллиф. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. д-ри ...дисс. –Тошкент, 2009. –314 б; Шу муаллиф. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2019. –256 б; Анданиёзова Д. Бадиий матнда ономастик бирликларнинг лингвопоэтикаси: Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) дисс. – Тошкент, 2017. – Б. 140; Шу муаллиф. Ономастик бирликларнинг лингвопоэтик тадқиқи. – Тошкент: «Turon zamin ziyo», 2016. –207 б; Худойберганова Д., Анданиязова Д. Ўзбек тили поэтонимларининг изоҳли луғати. –Тошкент: «Turon zamin ziyo», 2016. – 131б; Тошхўжаева Ш. Ғ. Эркин Аъзам асарлари лингвопоэтикаси: Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) дисс... автореф. – Фарғона, 2017. – Б. 56; Лингвомаданий ёндашувда: Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли миллий тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – № 3. – Б. 19-24. Шу муаллиф. Тилнинг мукаммал тадқиқи йўлларини излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – Б. 3-16; Шу муаллиф. Оламнинг лисоний манзараси ва сўз ўзлаштириш //Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2015. – №3. – Б. 6. Шу муаллиф. Ўхшатишлар ва миллий нигоҳ // Тил тилсими тадқиқи. –Тошкент: Mumtoz so'z, 2017. – Б. 166-175; Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати –Тошкент: Маънавият, 2013. – 320 б; Худойберганова Д. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол. фан. д-ри ...дисс. – Тошкент, 2015. – 240 б; Шу муаллиф. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: «Турон замин зиё», 2015. – Б.12; Usmonova Sh. Lingvokulturologiya. – Toshkent, 2019. – 245 b; Насруллаева Г. Антропоцентрик метафоранинг лингвомаданий, коммуникатив, прагматик аспекти: Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) ...дисс. – Қарши, 2018. – 147 б. Усмонов Ф. Ўзбек тилидаги ўхшатишларнинг лингвомаданий тадқиқи: Филол.фан. бўйича фалсафа д-ри ... (PhD) дисс. – Тошкент, 2019. – 160 б.

[5]Расулов А. Ардоқли адиб. – Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбааа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2001. –127 б; Эл севган адиб (Ўткир Ҳошимов замондошлари наздида) –Тошкент: «Mumtoz so'z», 2011. – 230 б.; Асрор Самад. Ўткир қалам. – Тошкент: «Meriyus», 2013. –363 б; Норматов У. Насрдаги шоир. Veb-sayt:www.tilvaadabiyot.uz. – Б.13-17/ 2016; Имомкаримова М. Ўткир Ҳошимов асарларида миллий қадриятлар талқини: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2004. – 150 б.

[6]Қаранг: Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. –Тошкент, 2007. – 91 б; Худойберганова Д. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол. фан. д-ри. ... дисс. – Тошкент, 2015. – 240 б; Анданиязова Д. Ономастик бирликларнинг лингвопоэтик тадқиқи. – Тошкент: «Turon zamin ziyo», 2016. – 208 б.

Диссертация ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш» мавзусидаги тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўткир Ҳошимов асарларидаги поэтик актуаллашган лексик бирликлар, тасвирий воситаларни белгилаш ҳамда адиб асарларида қўлланган лингвомаданий бирликларни тадқиқ этиш орқали ёзувчининг тилдан фойдаланиш маҳоратини ҳамда бу орқали унинг ўзбек адабий тили ривожига қўшган ҳиссасини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўткир Ҳошимов асарларида лингвопоэтик мақсадда қўлланган лексик бирликларни аниқлаш;

адиб асарларида қўлланган услубий конвергенцияларни лингвопоэтик ёндашувда ёритиш;

Ўткир Ҳошимов асарлари матнида қўлланган ўхшатишларни лингвомаданий жиҳатдан таҳлил этиш ҳамда турғун ўхшатишларда эталон вазифасини бажарган образларни гуруҳлаштириш;

Ўткир Ҳошимов асарлари матнида қўлланган ономастик метафора, ономастик метонимия ҳамда миллий-маданий сўзларнинг лингвомаданий хусусиятини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўткир Ҳошимов асарларидаги поэтик актуаллашган лексик бирликлар, матнлар, тасвирий воситалар, шунингдек, семантикасида маданий ахборот мавжуд бўлган лингвомаданий бирликлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини Ўткир Ҳошимов асарлари матнида муайян лингвопоэтик мақсад билан қўлланган лексик бирликлар, услубий конвергенцияларнинг лингвопоэтик хусусиятлари; ўхшатиш, ономастик метафора, ономастик метонимия ҳамда миллий-маданий сўзларнинг лингвомаданий хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, статистик, лексик-семантик, лингвопоэтик, лингвомаданий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўткир Ҳошимов асарларини лингвопоэтик ва лингвомаданий усуллар ҳамкорлигидаги интегратив ёндашувда тадқиқ этиш ёзувчининг ўзига хос услубини ёритиб беришда муҳим восита бўла олиши асосланган;

бадиий матннинг лингвомаданий таҳлили янги илмий йўналиш эканлиги, бадиий асарга мазкур нуқтаи назардан ёндашиш усули моҳиятан долзарб илмий-лингвистик талқин эканлиги тилшуносликдаги етакчи назарий қарашларга асосланган ҳолда далилланган;

адиб асарларида ўзбек халқининг образли тафаккури, дунёқараши, турмуш тарзи, қадриятлари, феъл-атвори, эътиқод ва анъаналари акс этган лигвомаданий бирликлар халқнинг миллий-маданий тасаввурлари, образли тафаккури инъикоси сифатида оламнинг ўзига хос ўзбекча лисоний

манзарасини юзага келтирганлиги лингвомаданий нуқтаи назардан очиб берилган;

адиб асарларида муайян лингвопоэтик вазифада қўлланган лексик бирликлар: зид маъноли, маънодош, шаклдош сўзларнинг ёзувчи асарлари бадиий-эстетик қимматини таъминловчи лисоний бирликлар сифатида воқелангани уларнинг бадиий матнда муҳим лингвопоэтик восита бўла олиши ҳақидаги қарашларга кўра далилланган;

Ўткир Ҳошимов асарларидаги микроматнларга хос бўлган услубий конвергенция ва такрорлар ёзувчи индивидуал услубининг энг муҳим қирраларини кўрсатувчи восита эканлиги унинг услубини бошқа адиблар услубига қиёслаб ўрганиш асосида аниқланган;

лингвомаданий бирлик ҳисобланувчи матн-ўхшатишлар матн яратувчининг тафаккурига хос образлилик ва миллийликнинг лисоний ифодаси сифатида инъикос этиши Ўткир Ҳошимов асарларидаги бирликларни лингвомаданий аспектда таҳлил этиш воситасида далилланган;

Ўткир Ҳошимов асарларида қўлланган ономастик бирликлардан маънони кучайтириш, персонаж хусусиятларини бўрттириш, интертекстуал матн яратиш каби лингвопоэтик мақсадларда фойдаланилгани кўрсатилган;

прецедент номларнинг ономастик метафора ёки метонимия сифатида воқеланиши ўзбек халқи сажияси, унинг воқеликка бўлган аксиологик муносабати, миллий дунёқарашини акс эттиришга хизмат қилиб, муҳим лингвомаданий бирлик сифатида намоён бўлганлиги адиб асарларидаги лингвомаданий бирликларнинг миллий-маданий семаларига асосланган ҳолда аниқланган;

лингвомаданий бирликларнинг унумли ва ўринли қўлланиши Ўткир Ҳошимов асарлари тилини халқона ва ширали қилган омиллардан бири бўлганлиги лингвомаданий ёндашув асосида ёритилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Ўткир Ҳошимов асарларида қўлланган поэтик юки бўлган зид маъноли, маънодош, шаклдош сўзлар; услубий конвергенция; ўхшатиш, ономастик метафора, ономастик метонимия ҳамда миллий-маданий сўзлар бўйича тўпланган материаллар, уларнинг тадқиқи натижасида чиқарилган хулоса ва талқинлар ҳозирги ўзбек тилшунослиги, хусусан, лингвопоэтикаси, лингвомаданиятшунослиги учун муҳим зарурий, илмий маълумот бериши; лингвопоэтика, лингвомаданиятшунослик бўйича тадқиқотлар яратишда манба бўлиб хизмат қилиши асосланган;

ўхшатиш, ономастик бирликлар, миллий-маданий сўзлар бўйича тўпланган материаллар изоҳли, лингвомаданий луғатларга материал ҳамда манба сифатида хизмат қилиши исботланган;

Ўткир Ҳошимов асарларидаги поэтонимлар бўйича тўпланган материаллар ўзбек тили ономастикаси учун зарурий илмий маълумот бериши, ўзбек тили ономастикаси бўйича тадқиқотлар яратишда бевосита манба бўлиб хизмат қилиши, лексикология, ономастика бўлимларини ўқитишда амалий жиҳатдан ёрдам бериши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилиши, чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги, қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олингани, таҳлилга тортилган лисоний материалларнинг асослилиги, антропоцентрик парадигмада қўлланилган усуллардан фойдаланилганлик, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўткир Ҳошимов асарлари тилининг лингвопоэтик ҳамда лингвомаданий хусусиятлари аниқланганлиги ва шу асосда бадиий матнни интегратив усулда тадқиқ этишнинг назарий асосларига доир янги илмий қарашлар баён этилганлигида кўринади. Диссертацияда келтирилган фикр-мулоҳазалар ўзбек лингвомаданиятшунослигини назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундаги материаллардан «Лингвопоэтика», «Стилистика», «Нутқ маданияти ва услубият асослари» фанлари ҳамда «Ижодкорнинг бадиий маҳорати» «Лингвомаданиятшунослик» каби махсус курсларни ўқитишда; лингвопоэтика ҳамда лингвомаданиятшунослик бўйича дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар, илмий рисолалар яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўткир Ҳошимов асарлари тилини лингвопоэтик ва лингвомаданий тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тадқиқот ишида қўлланилган *услубий конвергенция, ономастик метонимия, идиостиль, антропоморф метафора, зооморф метафора, константа, миллий-маданий сўзлар, миллий-маданий коннотация* каби терминлар ўзбек тилшунослигининг замонавий тадқиқ йўналишига хос тараққиётни кўрсатувчи омиллардан бири эканлиги ҳақидаги хулосалардан ФА-Ф1-Г041 рақамли «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2020 йил 23 сентябрдаги 3/1255-1973-сон маълумотномаси). Натижада ушбу терминлар мустақиллик даври ўзбек терминологияси тараққиётини кўрсатувчи омил сифатида қайд этилган ва бу хусусидаги назарий фикрларнинг иллюстратив мисоллар билан далилланиш даражаси ортган;

Ўткир Ҳошимов қаламига мансуб асарлардаги ономастик бирликларнинг ономастик метафора, ономастик метонимия вазифасида келиб, асар бадииятини таъминловчи поэтоним даражасида қўлланганлиги тўғрисидаги хулосалардан ФА-ИЗ-Г009 рақамли «Ономастик бирликларнинг лингвопоэтик тадқиқи» китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш» мавзусидаги инновацион лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2020 йил 23 сентябрдаги 3/1255-1973-сон маълумотномаси) Натижада лойиҳа бўйича тайёрланган «Ўзбек тили поэтонимларининг изоҳли луғати» (Тошкент, 2016) китобининг

луғат мақолалари Ўткир Ҳошимов асарларида қўлланган ономастик бирликларнинг лексикографик тавсифи билан бойиган;

лингвопоэтик юкка эга бўлган *савоб-гуноҳ, бой-камбағал, донолик-нодонлик, шифо-дард, донишмандлар-телбалар, барҳам топди-авж олди, ҳурликка чиқди-қурбон бўлди, баҳраманд бўлди - ёстиғи қуриди* каби зид маъноли бирликларнинг; *ёқтириб қолмоқ, кўнгил бермоқ, мойил бўлмоқ, хуштор бўлмоқ, ошуфта бўлмоқ, мафтун бўлмоқ, маҳбуб бўлмоқ, ошиқ бўлмоқ, яхши кўрмоқ, ишқи тушмоқ; севги, муҳаббат, меҳр* каби маънодош сўзларнинг; *қозонқурар, базм, чаллари, сочқи, «тўққиз-тўққиз», келинсалом, маълум оши, тўй келди* каби этнографизмларнинг, *карнай-сурнай, атлас кўйлак, чуст дўппи, шойи рўмол, палак, тавонхона, мохора, қовурма чучвара, ҳолва, чимилдиқ, ёр-ёр, кўрмана* каби миллий реалияларнинг маънолари изоҳидан Туркиядаги Artvin Çoruh университетида бажарилган 2013.S23.02.15 рақамли «Pirimkul Kadirov'un Romanları Üzerine Bir İnceleme» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган. (Артвин Чоруҳ университетининг (Туркия) 2020 йил 8 августдаги Е.3095-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа ўзбек тилининг бой имкониятлари, ўзига хос хусусиятини кўрсатувчи илмий далиллар билан бойиган;

Ўткир Ҳошимов асарларида қўлланган мақолларнинг лингвопоэтик ҳамда миллий-маданий хусусиятлари, улардан ўринли фойдаланиш хусусидаги хулосалардан «Ўзбекистон тарихи» телеканалининг эфирга узатилган «Қатрада қуёш акси» кўрсатуви сценарийсида фойдаланилган (Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг 2020 йил 8 сентябрдаги 02-14-826-сон маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатув учун тайёрланган материалнинг мазмуни мукаммаллашган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та (6 та республика ҳамда 1 та хорижий журналларда) мақола нашр этилган. Шунингдек, «Ўткир Ҳошимов асарларида қўлланган поэтонимлар изоҳли луғати» чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 160 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Бадиий матнга интегратив ёндашув: лингвопоэтик ва лингвомаданий таҳлил»** деб номланган биринчи бобида бадиий асар тили, лингвостилистика, лингвопоэтика, лингвомаданиятшунослик масалаларига доир дунё тилшунослигида мавжуд бўлган янгича илмий-назарий қарашлар умумлаштирилган ва уларга муносабат билдирилган. Лингвопоэтика, лингвомаданиятшуносликка оид тадқиқотлар тарихи ва таҳлил турлари кўрсатилган. Ушбу бобнинг биринчи фасли ***«Бадиий матнга лингвопоэтик ёндашув»*** деб номланган бўлиб, бунда лингвопоэтиканинг бошқа филологик фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги фикрлар, таниқли соҳа мутахассисларининг лингвопоэтика тўғрисидаги қарашлари баён қилинган ҳамда лингвопоэтик ёндашувнинг мақсад ва вазифалари, тамойиллари ёритилган.

Лингвопоэтиканинг предмети поэтик юкка эга тил воситаларининг мажмуидир. Объекти эса – тил, яъни бадиий матн. «Бундан маълум бўладики, лингвопоэтик тадқиқотларнинг ўрганиш объекти ҳар қандай ҳолатда ҳам тил, ўрганиш предмети адабиётшунослик учун тадқиқ объекти бўлган бадиият масалалари бўлганлиги сабабли лингвопоэтика икки соҳа кесишувидаги учинчи соҳадек туюлса-да, зинҳор «оралиқ учинчи» эмас, балки тилшуносликнинг алоҳида бўлими эканлигини унутмаслик керак»[7].

Лингвопоэтик тадқиқотнинг асосий мақсади ўқувчини сўз ҳақида одатий тасаввурдан озод қилиш ва сўзни ижодкор кўргани каби кўра билишни шакллантиришдир. Демак, бадиий матндаги тил бирликларини таҳлил қилиш маълум бир асар мазмунини, унинг ғоявий моҳиятини, ёзувчининг ижодий маҳоратини ва ғоявий йўналишини чуқур ўрганиш имконини беради. Бу жараён ўқувчининг дунёқарашини шакллантириб, инсоний муносабатлар тўғрисида шахсий мушоҳада юритишга имкон яратади. Лисоний таҳлил мазкур тилнинг лексик имкониятларини ҳам кўрсатиши билан аҳамиятлидир.

Тадқиқотнинг ***«Бадиий матнга лингвомаданий ёндашувнинг устувор масалалари»*** деб номланган иккинчи фаслидан тилшуносликда антропоцентрик ёндашувдаги тадқиқотларнинг зарурати, антропоцентризмнинг объектив томонлари, оламнинг лисоний манзараси ўрни, тил ва маданиятнинг ўзаро муносабати, лингвомаданий бирликларни

[7]Тошхўжаева Ш. Ғ. Эркин Аъзам асарлари лингвопоэтикаси: Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) дисс... автореф. – Фарғона, 2017. – Б. 12.

лингвомаданий тадқиқ этиш (лингвомаданий ёндашув) муаммолари ҳамда лингвомаданиятшуносликнинг вазифаси каби масалалар хусусидаги мулоҳазалар ўрин олган. В.Маслованинг кўрсатишича[8], тилшуносликдаги антропоцентрик парадигма доирасида ривож топаётган асосий тармоқлардан бири лингвомаданиятшуносликдир. Бугунги даврда лисоний бирликларни миллат маданияти билан алоқадорликда ўрганувчи лингвомаданиятшунослик ХХ асрнинг сўнгги чорагида шакллана бошлади, жаҳон тилшунослигидаги етакчи ҳамда истиқболли йўналишлардан бирига айланди, тилшуносликнинг мустақил йўналиши сифатида тан олинди. Н.Маҳмудов таъкидлаганидек, «миллий онг миллий тилсиз мавжуд бўла олмайди»[9], «унда нафақат инсонни ўраб олган реал борлиқ, унинг яшаш шароитлари, балки халқнинг ижтимоий ўзини ўзи англаши, унинг менталитети, миллий характери, ҳаёт тарзи, анъаналари, урф-одатлари, ахлоқи, қадриятлар йиғиндиси ва дунёқараши акс этади»[10]. Унинг бу хусусиятини таниқли олимлар турлича таърифларда акс эттирганлар. Жумладан, тил – «халқ руҳи»[11], «борлиқнинг уйи, фикрлар макони, руҳнинг уйи»[12], «ташқи олам билан инсон ички олами ўртасидаги олам»[13], «маданият хазинаси, сандиғи, мажмуи»[14], «миллий менталликнинг ифодачиси»[15], «жамият ҳамиятининг ҳимоячиси; миллатнинг бош белгиси»[16], «ғоя, туйғу, тафаккурнинг жонли тарзда намоён бўлиши»[17].

«Лингвомаданиятшуносликнинг вазифаси миллат миллий-маданий менталлигини акс эттирувчи тил бирликларининг маданий мазмунини ёритиш; унинг тили орқали маданий стереотипларни аниқлаш ва улар орқали ушбу маданиятнинг қадриятлар тизими, умуман, идрок интизомини очишдир»[18]. Демак, лингвомаданиятшуносликнинг асосий вазифаси халқнинг онги ва маданиятини тил орқали очиб бериш ҳисобланади.

Бобнинг учинчи фасли ***«Ўткир Ҳошимов асарлари тилининг ўрганилиши»*** деб номланади. Бунда лингвопоэтика, лингвостилистика, лингвомаданиятшунослик, когнитив тилшуносликка бағишланган айрим тадқиқотларда, тилшуносликка доир мақолаларда Ўткир Ҳошимов асарлари тили таҳлилга тортилгани, хусусан, ёзувчи асарлари тили лингвомаданий аспектда нисбатан кенгроқ ўрганилгани илмий тадқиқотлар таҳлили мисолида ёритиб берилди.

---

[8]Маслова В.А. Лингвокультурология: Учебное пособие – М.: Академия, 2007. – С. 8.

[9]Маҳмудов Н. Оламнинг лисоний манзараси ва сўз ўзлаштириш //Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2015. – №3. – Б. 6-12.

[10]Usmonova Sh. Lingvokulturologiya. – Toshkent, 2019. – B. 7.

[11]Гумбольдт В. фон. Избранные труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1984. – С. 68.

[12]Иқтибос манбаси: Маслова В.А. Лингвокультурология: Учебное пособие.–М.: Академия, 2001. – С. 5.

[13]Гумбольдт В. фон. Избранные труды по языкознанию. –М.: Прогресс, 1984. – С. 167.

[14]Robins R. N. General Linguistics/ An Introductory Survey/ – London: Routledge, 1989. –P. 27.

[15]Маслова В. А. Лингвокультурология: Учебное пособие. – М.: Академия, 2001. – С. 8.

[16]Маҳмудов Н. Ҳамиятни ерга урманг! // Тилимизнинг тилла сандиғи. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. –Б.43.

[17]Кўчимов Ш. Мустақиллик даврида ўзбек тили расмий иш услуби ва унинг тараққиёти масалалари // Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. –Тошкент, 2019. – Б.16.

[18]Усмонов Ф. Ўзбек тилидаги ўхшатишларнинг лингвомаданий тадқиқи: Филол.фан. бўйича фалсафа д-ри ... (PhD) дисс. – Тошкент, 2019. – 160 б.

Тадқиқотнинг **«Ўткир Ҳошимов асарлари тилининг лингвопоэтик хусусиятлари»** деб номланган иккинчи бобида ёзувчи асарларидаги лексик бирликлар – зид маъноли, маънодош, шаклдош сўзлар; услубий конвергенция ҳамда такрорнинг лингвопоэтик хусусиятлари таҳлил қилинди. Бобнинг биринчи фасли ***«Лексик бирликларнинг поэтик имкониятлари»*** деб номланади. Бунда Ўткир Ҳошимов асарларидаги зид маъноли, маънодош, шаклдош сўзларнинг лингвопоэтик хусусиятлари таҳлилга тортилди.

Ёзувчи микроматнларининг баъзиларида зид маъноли сўзлар жуфтлиги кетма-кет қўлланилиб, унинг эстетик таъсир кучи орттирилган, қарама-қарши тушунчалар, белгилар, ҳолатларни зидлаш орқали уларнинг маъноси янада таъкидланган. Бу ҳол «Дафтар ҳошиясидаги битиклар»да кўп кузатилди. Жумладан, қуйидаги битиклар фикримиз исботидир: *Дунёда халқ дуосини олишдан ортиқ* ***савоб*** *йўқ. Дунёда халқ қарғишига қолишдан ортиқ* ***гуноҳ*** *йўқ;* ***Бой*** *гердайса – салобат.* ***Камбағал*** *таъзим қилса – хушомад. Бой* ***гапирса – донолик.*** *Камбағал* ***сукут сақласа – нодонлик.*** *Бой «****Мерседес****»олса – камтарлик. Камбағал* ***велосипед*** *олса – манманлик.»*[19]**.** Юқорида контекстни ҳосил қилган барча гапларда зид маъноли узуал ва контекстуал сўзлар қўлланилиб, улар воситасида бадиий мақсад янада аниқ, таъсирчан ёритилган. Яна шуни айтиш жоизки, ажратиб кўрсатилган зид маъноли сўзларнинг айримлари аввалдан зид маънолилик сифатида тилда мавжуд бўлса-да ёки бирининг айтилиши ўз-ўзидан иккинчисини эсга солса-да, адиб уларни шундай маҳорат билан қўллаганки, натижада зидлик янгича, ўзига хос ифодасини топган, улар воситасида матн мазмундорлиги оширилган.

«Дафтар ҳошиясидаги битиклар»даги лексик бирликларнинг поэтик имкониятларини таҳлил қилар эканмиз, ундаги библионимлар (сарлавҳалар)нинг деярли барчаси зид маъноли сўзлардан ҳосил бўлгани кузатилди: «*Инсон ва Шайтон», «Камол ва завол»,* «*Кулги ва йиғи»,* «*Дуо ва қарғиш»,* «*Оқ ва қора»,* «*Рост ва ёлғон»,* «*Тўла ва чала»,* «*Савоб ва гуноҳ»,* «*Тонг ва шом»,* «*Яхшилик ва ёмонлик»,* «*Йўқчилик ва тўқчилик»,* «*Ҳалол ва ҳаром»,* «*Болалик ва кексалик»,* «*Ибтидо ва интиҳо»,* «*Доно ва нодон».*

Ёзувчи асарларида нафақат зид маъноли сўзлар, балки зид маъноли иборалар ҳам маҳорат билан қўлланилиб, улар воситасида матннинг эмоционал-экспрессив таъсири кучайтирилган. Масалан: *Ойим кулади. Кейин хўрсинади;* «*Сен, – дебди кампир йигитга, – бировнинг* ***кўнглини овлашдан*** *олдин ўз онангнинг* ***кўнглини оғритмасликни*** *ўрган.»* («Дунёнинг ишлари») *Кўнгилни овламоқ* иборасининг *хурсанд қилмоқ* маъноси *кўнглини оғритмаслик* иборасининг *хафа қилмоқ* маъносига зидлантирилиб, тасвирнинг таъсирчанлиги оширилган (кампирнинг йигитга насиҳати, тарбияси таъсири кучи орттирилган).

[19] Биз учун аҳамиятли бўлган бирликларни бу ва бундан кейинги матнларда алоҳида ажратиб кўрсатдик.

Қуйидаги матнда ҳам иборалар *(яхши кўради – кўзига чўп солади*) контекстда ўзаро зидлантирилиб, мазмун экспрессивлигига эришилган: *Дунё ўткинчи деймиз. Йўқ, дунё эмас, биз ўткинчимиз. Баҳор бир айланиб келгунча биров туғилади, биров ўлади. Биров бировни яхши кўради. Биров бировнинг кўзига чўп солади...* («Икки эшик ораси».) Адиб мазкур микроматнда икки ўринда зидлаштиришни келтириш орқали юксак бадииятни ярата олган.

Адиб асарларида ўхшатиш эталонлари вазифасидаги сўзлар ҳам қарама-қарши қўйилиб, асар қаҳрамонлари характери, ҳолати, кўриниши ёрқин тасвирланган. Масалан: *Вой ифлос-ей! Ўзи читтакдай бўлсаям хирсдай кучли эканми?* «Икки эшик ораси» романидан келтирилган мазкур гап Умар Закунчининг Робияга берган таърифи бўлиб, унда контекстуал антоним орқали Робиянинг жасорати, матонати ўз аксини топган. Робиянинг ташқи кўриниши, жуссаси читтакка, иродаси, матонати хирсга, яъни айиққа ўхшатилган. Яъни бу нутқий парчада *читтакдай* ва *хирсдай* сўзлари *«кичик»* ва *«катта»* маънолари билан антонимик муносабатга киришган.

– Болам! Ўғлим! – Ойим сарпойчан эди. Ерга тушиши билан калиши қорга ботди. Аммо парво қилмади. Учиб келиб, маҳкам қучоқлаб олди. Димоғимга гунафша ҳиди урилишини кутган эдим. Йўқ, валерианка иси анқиди. Бундан чиқди, юраги касаллиги рост. («Икки эшик ораси») Роман қаҳрамони Музаффарнинг нутқида *гунафша ҳиди* ва *валерианка иси «хушбўй»* ва *«нохуш»* маънолари билан антонимик муносабатга киришиб, у воситасида Раънонинг тушкун ҳолати ёрқин тасвирланган.

Адибнинг «Дафтар ҳошиясидаги битиклар» китобидаги «Йигирманчи аср» номли матнда ҳам лексик, ҳам фразеологик зид маъноли бирликлар қўлланилгани ҳамда матнни ташкил қилган микроматндаги гапларнинг ўзаро зидлиги кузатилди. Ушбу матндаги *шифо топилди – дард пайдо бўлди; ҳаёти сақлаб қолинди – ҳаёти хавф остида қолди; барҳам топди – авж олди; ҳурликка чиқди – қурбон бўлди; баҳраманд бўлди – ёстиғи қуриди; донишмандлар – телбалар* каби бирликлар фикримизнинг исботидир:

Йигирманчи асрда сил, безгак, чечак каби бедаво дардларга шифо топилди ва миллионлаб инсонлар ҳаёти сақлаб қолинди. Йигирманчи асрда «спид» деган бедаво дард пайдо бўлди ва миллионлаб инсонлар ҳаёти хавф остида қолди.

Йигирманчи асрда даҳрийлар тузуми барҳам топди ва миллионлаб инсонлар иймон сари юз тутди. Йигирманчи асрда диний экстремизм авж олди ва миллионлаб инсонлар ҳаётига қутқу солди.

Йигирманчи асрда мустамлакачиликка чек қўйилди ва миллионлаб инсонлар ҳурликка чиқди. Йигирманчи асрда фашизм ва тоталитаризм авж олди. Миллионлаб инсонлар Гитлер ва Сталин қамоқхоналарида қурбон бўлди.

Йигирманчи асрда «учар гиламлар», «ойинаи жаҳонлар», компьютерлар кашф этилди ва миллионлаб инсонлар уларнинг хизматидан баҳраманд бўлди. Йигирманчи асрда икки дафъа жаҳон уруши рўй берди ва миллионлаб инсонларнинг ёстиғи қуриди.

Йигирманчи асрда самовий кемалар яратилди ва инсон қадами Ойга етди. Йигирманчи асрда миллионлаб инсонларни қириб ташловчи ядро қуроли ўйлаб топилди ва синовдан «муваффақият билан» ўтди...

Йигирманчи аср – донишмандлар асри.

Йигирманчи аср – телбалар асри...

Маҳоратли адиб Ўткир Ҳошимов она тилимизнинг беназир имконияти бўлган маънодош сўзлардан ҳам унумли фойдаланган. Ёзувчи ўз асарларида тилимиздаги маънодош сўзлар ичидан тасвир мақсади ва руҳига мувофиқ келадиган аниқ сўзни топиб қўллашга ҳаракат қилган, шу тариқа қаҳрамонлари руҳияти ҳамда тасвир объектининг энг кичик қирраларини ҳам реал кўрсатиб берган. Масалан: *Кавшандозда турган ойимнинг калишини энди кўрдим. – Қаёқдан олдинг? – деди ойим кўзимга тикилиб. У чўнтагимни қарайман – йўқ, бу чўнтагимни қарайман – йўқ* («Дунёнинг ишлари»)*; Анчагами? – Хуршида бирдан ичи ҳувиллаб қолгандек, эрига термулди* («Умр савдоси»); *Ноқулай аҳволда илжайиб, унга разм солдим. Холида жавдираган кўзларини кўзимга қадади.* («Хаёлларга бўламан тутқун») Юқорида келтирилган матнларда *кўрмоқ, тикилмоқ, қарамоқ, термулмоқ, разм солмоқ, кўз қадамоқ* каби лексемалар *кўрмоқ* сўзининг турли маъно қирраларини очиб беришга хизмат қилган. Мазкур феъллар матндаги тасвирланаётган шахс руҳиятига мос тарзда танланган бўлиб, асардаги образнинг ўша вақтдаги ҳолатини аниқ тасвирлашга хизмат қилган. *Тикилмоқ* онанинг ўзи учун муҳим бўлган нарсани аниқлашга ҳаракат қилаётганини, *термулмоқ* ҳикоя қаҳрамони Хуршиданинг узоқ сафарга жўнаётган эрига умид билан қараётганини, *кўзини қадамоқ* бировнинг айбини фош қилаётган образ ҳолатини ифодалаган. Бу каби синонимик сўзлар адиб асарлари тилининг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган.

Ундан офтоб ***ҳиди****, ер* ***иси****, кейин... одамнинг юрагини ўйнатиб юборадиган аллақандай ёқимли* ***бўй*** *таралар, кўзлари маъюс кулиб турарди*. («Икки эшик ораси»)*; Уйланадиган одам беш-олти марта* ***совчи юборади, одам қўяди*** («Умр савдоси»)*; Она* ***ёш*** *эди. Она* ***навжувон*** *эди. Бола* ***гўр*** *эди, бола* ***гўдак*** *эди* («Дафтар ҳошиясидаги битиклар»)*; Бировга* ***яхшилик қилганда****, бировнинг* ***ҳожатини чиқарганида*** *ўша «биров»дан кўра ўзи кўпроқ қувонадиган одамни «жаннати одам» деса арзийди.* («Дафтар ҳошиясидаги битиклар») Бу контекстларда *ҳид, ис, бўй; ёш, навжувон* лексемалари, *совчи юборади, одам қўяди* иборалари, *яхшилик қилганда, бировнинг ҳожатини чиқарганда* контекстуал синонимлари ўз ўрнида қўлланилган бўлиб, бу синонимик жуфтликларда сўз, ибора, бирикма шаклида бўлган маънодошларнинг ҳар бирининг маъно нозикликлари ҳисобга олинганини кузатиш мумкин. Бу орқали адиб синонимларнинг моҳияти ва мезонларини янада кенгайтиради. Бу қаҳрамонлар руҳиятини очиб беришда, айниқса, яққол кўзга ташланади. Ёзувчининг айрим синонимларни кетма-кет келтириши (*одам қўяди, совчи юборади; яхшилик қилганда, ҳожатини чиқарганда; ёш эди, навжувон эди*) мазмунни яна ҳам кучайтириб, муайян лингвопоэтик вазифани бажаришга хизмат қилган.

Ўткир Ҳошимов асарлари матнида шаклдош сифатида қўлланган тил воситалари маълум маънода ўзида лингвопоэтик юк ташиган. Уларни қўллашда адибнинг ўзига хос маҳорати шундаки, у айрим ҳолатларда ўзбек тилининг ички имкониятларидан фойдаланиб, кутилмаган омонимик вариантлар ҳосил қилган ва бу билан омонимия ҳодисасининг поэтик хусусиятларини намойиш қила олган. Адибнинг «Икки карра икки – беш» қиссасида омонимиянинг омограф кўриниши қўлланилиб, у воситасида матннинг бадиий қиммати оширилишига эришилган. Қисса матнида *атлас* сўзи *дунё харитаси* ҳамда *ипакдан тайёрланган мато тури* маъноларини ифодалаб, шаклдошликни юзага келтирган. У воситасида Қўшоқвойнинг сўзга чечанлиги, шаклдош сўз имкониятидан фойдаланиб қийин вазиятдан чиқиб кетганлиги, қолаверса, Раис буванинг ҳолати ёрқин тасвирланган.

Бобнинг иккинчи фасли ***«Ўткир Ҳошимов асарларида услубий конвергенция»*** деб номланган бўлиб, ёзувчи асарларидаги услубий конвергенция (стилистик конвергенция)нинг лингвопоэтик хусусиятлари таҳлил қилинган. Лингвопоэтик таҳлилларда услубий конвергенцияга бадиий услубни бойитувчи омиллардан бири сифатида қаралмоқда.Услубий конвергенциянинг ҳар бир шоир ёки ёзувчи асарида қай даражада қўллангани бадиий маҳоратни белгиловчи ўлчовлардан биридир. Ўзбек тилшунослигида бу восита ҳали махсус, монографик планда тадқиқ этилганича йўқ. Услубий конвергенция ҳақида эътиборга лойиқ дастлабки фикр Д.Худойберганованинг «Лингвостилистика: янгича ёндашув ва талқинлар»[20] номли мақоласида кузатилади. Унда қайд этилишича, услубий конвергенция – бир матн доирасида бирдан ортиқ услубий воситаларни қўллаш орқали юқори даражада таъсирчанликка эришиш демакдир.

Адиб асарларидаги услубий конвергенциялар тасвирий воситалар миқдорига кўра икки турга – тасвирий воситанинг икки тури қатнашган услубий конвергенциялар, тасвирий воситанинг уч ёки ундан ортиқ тури қатнашган услубий конвергенцияларга ажратилган, буларга намуна сифатида мисоллар келтирилиб, уларнинг лингвопоэтик хусусияти ёритилган. «Дафтар ҳошиясидаги битиклар»да юқори даражадаги таъсирчанликни оширган услубий конвергенциянинг ажойиб намуналари кузатилди. Қуйида берилган «Чегара» деб номланувчи битик саккиз микроматндан тузилган бўлиб, унда анафора, эпитет, риторик сўроқ каби воситалар уйғунлиги ўзига хос услубий конвергенция намунасини яратишда лингвопоэтик восита бўлган:

Одамзод нима учун кафтдек ҳовлисига гул экади? Ундан кўра шолғом экса, қозонига тушади-ку.

Одамзод нима учун булбул чах-чахини эшитганда энтикиб кетади? Ундан кўра булбулни шўрвага солиб пиширса, нафсини қондиради-ку. Одамзод нима учун осмонда чарақлаб ётган юлдузларни кўриб, кўнгли завққа тўлади? Юлдузлар унинг ҳамёнидаги тиллалар эмас-ку.

---

[20]Худойберганова Д. Тил. Тафаккур. Маданият – Тошкент: «Nodirabegim»нашриёти, 2020. –Б.14; Шу муаллиф. Лингвостилистика: янгича ёндашув ва талқинлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2018. – №2. – Б. 3-8.

Одамзод нима учун китоб ўқиётиб, суюкли қаҳрамони ўлиб қолса йиғлайди? Уни ёзувчи «ичидан тўқиб чиқаргани»ни билади-ку.

Одамзод нима учун ўзга юртларга бориб беҳисоб мол-дунё орттирсаю, иттифоқо болалиги кечган кулбаси тушига кириб қолса, туни билан йиғлаб чиқади? Ахир у шоҳона қасрда яшайди-ку.

Одамзод нима учун боласининг бошида алла айтади? Гўдак алла эшитмаса ухламайдими?

Одамзод нима учун неварасини етаклаб неча замон аввал ўтиб кетган бобосининг қабрини зиёрат қилади? Марҳум уларни кўрмайди-ку?!

Гап шундаки, Одамзодни ҳайвонотдан ажратиб турадиган чегара бор. Бу чегаранинг номи Маънавият деб аталади!

Ёзувчи матнларида шу нарса кўзга ташландики, уларда оҳанг мазмун таъсирчанлиги учун хизмат қилади, бошқача айтганда, Ўткир Ҳошимов томонидан яратилган матнларда шакл (оҳанг) ва мазмун мутаносиблиги шу даражада уйғунки, улар ўқувчида шеърий асар ҳосил қиладиган эстетик туйғуларни юзага келтиради. Бу каби мутаносиблик, бу каби таъсирчанликнинг сабаби, назаримизда, ёзувчининг насрий-бадиий оҳангни ҳис эта олиш салоҳияти деб ўйлаймиз. Юқоридаги матнда ҳам анафора қўлланган еттита микроматн бир хил қолипда – савол (сўроқ гап) ва унга берилган жавоб (кесими таъкид юкламаси билан қўлланган дарак гап)дан иборат. Ёзувчи шу тарзда матн оҳанги ва мазмунини босқичма-босқич кучайтириб борган ҳамда кутилмаганда охирги матннинг асосий ғояси ифодаланган жумлаларни бутунлай бошқача қолипда тузган: *Гап шундаки, Одамзодни ҳайвонотдан ажратиб турадиган чегара бор. Бу чегаранинг номи Маънавият деб аталади!* (Дарак гап ва ундов гап.) Натижада ушбу микроматн ҳам мазмунан, ҳам оҳанг жиҳатидан фавқулодда кучли таъкидга эга бўлган. Матнда қўлланган бошқа тасвирий воситалар (*кафтдек ҳовли, шоҳона қаср, суюкли қаҳрамон, беҳисоб мол-дунё* эпитетлари; *Марҳум уларни кўрмайди-ку?!* риторик сўроқ гапи) ҳам унинг лингвопоэтик даражасини оширишга хизмат қилган. Демак, анафора, бир хил синтактик қолипдаги гапларни кетма-кет қўллаш ва турли лингвопоэтик воситалар «ансамбли» мазмун ва оҳанг жиҳатидан ички яхлитликка, ўз «мусиқаси»га эга, бадиийлиги юксак даражада бўлган матн яратилишига хизмат қилган. Айтиш жоизки, анафорани бошқа тасвирий воситалар билан уйғунлаштирган ҳолда услубий конвергенциянинг бу каби кўринишларини яратиш Ўткир Ҳошимов нутқий услубининг асосий хусусиятларидан биридир. Бундай ҳолат ёзувчининг «Ака-укалар», «Йигирманчи аср» битикларида ҳам кузатилди.

Ўткир Ҳошимов – «табиатан лирикага мойил, нозик қалб инсон»[21]. Шу сабаб бўлса керак, унинг битиклари шеърдай ўқилади, ўзига хос оҳангга, қофияга эга. Адиб бежиз «насрдаги шоир, етук асарлари эса насрдаги қўшиқ, тарона[22] деб эътироф этилмаган. Услубий конвергенцияни матн шаклининг

[21]Расулов А. Ардоқли адиб. –Тошкент: «Шарқ», 2001. – Б. 46.
[22]Норматов У. Насрдаги шоир // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2016. – №3. – Б. 13-17.

оҳангдорлиги ва мазмуннинг экспрессивлигини таъминлашга йўналтириш ёзувчи нутқий услубига хос энг муҳим хусусиятлардан биридир.

Бобнинг учинчи фасли ***«Ўткир Ҳошимов асарларида такрорнинг лингвопоэтик хусусиятлари»*** деб номланади. Ёзувчи ўзи тасвирлаётган воқеа-ҳодисанинг назарда тутилган томонига ўқувчининг диққатини тортиш, уни бўрттириброқ кўрсатиш учун товуш, қўшимча, сўз, сўз бирикмаси, гап, микроматнларни такроран қўллайди. Бу эса бадиий матннинг эстетик таъсир кучини оширади ҳамда китобхон муаллифнинг бадиий мақсадини осон илғай олади. Ўткир Ҳошимов бадиий такрорни деярли барча асарида моҳирона қўллаган, у орқали асарлари таъсирчанлиги кучайтирилиб, кўтаринки руҳ ҳосил қилинган. Айниқса, «Дафтар ҳошиясидаги битиклар»даги такрорлар фикримизни исботлайди. Китобнинг «Табиат. Жамият. Инсон» ҳамда «Урушлар ҳақида» бўлимида 50 та битик мавжуд бўлиб, шундан 30 тасида такрор қўлланган. Бир битикнинг ўзида такрорнинг барча кўринишлари қатнашгани ҳам кузатилди. Масалан, «Бозор ва мозор» номли битикда такрорнинг беш тури – қўшимча, сўз, сўз бирикмаси, сўз қўшилмаси, гап такрори мавжуд. Бир матнда беш хил такрор, бир томондан, матннинг таъсирчанлигини, бадиий қимматини оширган бўлса, иккинчи томондан эса ёзувчининг бу борадаги маҳоратини яққол намоён қилган. «Мунофиқ» битигида эса бир гапнинг ўзида уч сўз, яъни ***тилини, маданиятини, тарихини*** сўзлари шу гапнинг ўзида такрорланиб, юксак бадиийтни юзага келтирган: *Онасини беҳурмат қилган одам қўшни кампирни яхши кўраман деса, ишонмайман. Ўз халқининг* ***тилини, маданиятини, тарихини*** *ҳурмат қилмаган одам бошқа халқларнинг* ***тилини, маданиятини, тарихини*** *ҳурмат қиламан, деса, ишонмайман*. («Дафтар ҳошиясидаги битиклар») Кўринадики, мазкур такрорлар воситасида ёзувчи китобхон эътиборини шу уч сўзга – *тил, маданият, тарихга* қаратаётгани яққол англашилади.

Тадқиқотнинг **«Ўткир Ҳошимов асарлари тилининг лингвомаданий хусусиятлари»** деб аталган учинчи бобида ўхшатиш, ономастик метафора, ономастик метонимия, миллий-маданий сўзлар лингвомаданий жиҳатдан таҳлилга тортилди. Бобнинг биринчи фасли ***«Ўхшатишларнинг лингвомаданий хусусиятлари»*** деб номланиб, бунда Ўткир Ҳошимов асарлари матнида қўлланган ўхшатишлар лингвомаданий жиҳатдан таҳлил этилди ҳамда турғун ўхшатишларда эталон вазифасини бажарган образлар гуруҳлаштирилди.

Ўхшатишлар энг қадимий тасвирий воситалардан биридир. Ўхшатишнинг тасвирий восита сифатида бадиий адабиётда тутган ўрни, унинг лингвистик табиати тилшуносликда кўп ўрганилган. Жаҳон тилшунослигида бўлгани каби ўзбек тилшунослигида ҳам ўхшатиш ўзининг назарий баҳосини олган. Ҳатто бошқа тасвирий воситаларга нисбатан у бирмунча мукаммал ва атрофлича ўрганилган[23] дейиш мумкин.

---

[23]Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Тошкент: Фан, 1976; Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Тошкент: Фан, 1977; Маҳмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1984; Шу муаллиф. Ойбек шеъриятидаги ўхшатишларнинг

Н.Маҳмудов ҳамда Д.Худойбергановаларнинг «Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати»[24] ҳамда Н.Маҳмудовнинг шу мавзудаги илмий мақолалари[25] ўзбек тилшунослигида ўхшатишларни лингвомаданий жиҳатдан ўрганишга қаратилган дастлабки тадқиқотлар ҳисобланади. Ф.Усмонов эса ўзбек тилидаги турғун ўхшатишларни лингвомаданий жиҳатдан монографик планда тадқиқ этиш орқали ўзбек миллатига хос бўлган лисоний манзарани мазкур бирликларда ифодаланган лингвомаданий кодлар мисолида тавсифлади, миллий маданиятга хос бўлган қадриятлар тизимини асослади.

Ўткир Ҳошимовнинг деярли барча асарларида ўхшатишнинг сара намуналарини кузатамиз. Бу фикрнинг исботи «Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати»[26]да ҳам ёрқин акс этган. Луғатда 530 дан ортиқ турғун ўхшатиш мазмунан, лисоний, лингвомаданий ёндашувда изоҳланган бўлиб, шундан 93 таси Ўткир Ҳошимов асарларидан олинган мисоллар билан далилланган.

«Турғун ўхшатишлар ўзбек тилининг тамомила ўзига хос бойлиги, халқ миллий-маданий тасаввуроти ва анъаналарининг бетакрор кўзгуси, бежирим ва таъсирли нутқ имкониятларига куч берадиган туганмас манба, авлодлар ўртасидаги образлар ворисийлигини сақловчи муҳташам восита сифатида

лингвопоэтикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1985. –№ 6. –Б. 48-18; Худойберганова Д. С. Семантический и стилистический анализ конструкций уподобления в узбекском языке: Дисс. ...канд.филол.наук. –Ташкент, 1989; Каримов С. Бадиий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари: Ўқув қўлланма. – Самарқанд: СамДУ нашриёти, 1994; Қобулжонова Г. Метафоранинг системавий лингвистик талқини: Филол. фан. ...номз. дисс – Тошкент, 2000; Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. – Тошкент: «Маънавият», 2002; Ёқуббекова М. Ўзбек халқ қўшиқларида ўхшатиш: Монография. – Тошкент, 2003; Қиличев Э. Матннинг лингвистик таҳлили. – Бухоро, 2004; Ёқуббекова М. Ўзбек халқ қўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 2005; Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент: Фан, 2007; Шу муаллиф. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили. – Тошкент: Фан, 2007; Шу муаллиф. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2009; Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. №3. – Б.19 -24; Худайберганова Д. Ўхшатиш мазмунини ифодаловчи матнлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – №6. – Б.15-18; Маҳмудов Н. Ўхшатишлар ва миллий образ // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – №1. –Б. 3-8; Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли миллий тафаккур маҳсули // Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: «Маънавият», 2013. – Б. 3-18; Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: «Маънавият», 2013; Худойберганова Д. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013; Шу муаллиф. Ўзбек тилидаги матнларнинг антропоцентрик тадқиқи: Филол.фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 2015; Маҳмудов Н. Ўхшатишлар ва миллий нигоҳ // Тил тилсими тадқиқи. –Тошкент: «Mumtoz so'z», 2017. –Б. 166-175; Худойберганова Д. Лингвостилистика: янгича ёндашув ва талқинлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2018. – №2. – Б. 62; Усмонов Ф. Ўхшатишларда маданий коннотация // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2018. – № 6. – Б.93; Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019; Усмонов Ф. Ўзбек тилидаги ўхшатишларнинг лингвомаданий тадқиқи: Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) ...дисс. –Тошкент, 2019.

[24]Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Кўрсатилган луғат.

[25]Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – №3. – Б. 19-24; Шу муаллиф. Ўхшатишларнинг тил ва нутқдаги ўрни // Тил тилсими тадқиқи. –Тошкент: «Mumtoz so'z», 2017. –б. 160-166; Шу муаллиф. Ўхшатишлар ва миллий нигоҳ // Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: «Mumtoz so'z», 2017. –Б. 166-175.

[26]Маҳмудов Н., Худайберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: «Маънавият», 2013. –320 б.

жуда катта этнопсихологик, лингвокультурологик ва лингвопоэтик қимматга эга»[27].

«Ўхшатишларни лингвомаданий таҳлил қилиш – ўхшатишлар семантик стуруктурасига жойланган маданий коннотацияга ойдинлик киритиш демакдир»[28]. Зеро, ўхшатишлар миллатнинг образли тафаккур маҳсули, халқнинг дунёни ўзига хос кўришининг ифодачисидир.

Ёзувчи асарларида шундай индивидуал (хусусий, муаллиф) ўхшатишлар қўлланганки, улар ўзбек миллатига мансуб шахснинг образли тафаккурини намоён этади. «Икки эшик ораси» романидаги қуйидаги матнлар фикримиз исботидир: *... сой бўйида бир туп мажнунтол бош эгиб турар,* ***шода-шода*** *топ-тоза* ***япроқлар қиз боланинг қирқ кокил сочидек толим-толим таралиб,*** *оқим залварида оҳиста тебранар эди; Ҳозир бўлса пастак деворлар ортидан мўралаб турган олмалар қийғос гулга кирибди. Бири оқ, бири* ***напармон рўмол ёпинган келинчаклардек шодумон сузилади***.

Ёзувчи асарларида қўлланилган ўхшатишларнинг катта қисми ўзбек хонадони билан боғлиқ. Биламизки, ўзбек халқи учун оила (ўз уйи) юксак қадрият ҳисобланади. Демак, уй-рўзғор билан боғлиқ маиший турмуш реалияларининг кўплаб ўхшатиш эталонларига айланишининг моҳияти миллат менталитетида оила юксак қадрият экани билан боғлиқ[29]. Ёзувчи асарларида *рапида*, *қошиқ, това, тандир, қозиқ, гилам, пиёла, сомон, ип, ангишвона, чироқ* каби уй-рўзғор ашёлари номлари ўхшатиш эталони бўлган. Айтиш мумкинки, адиб асарларида қўлланилган ўхшатишлар ўзбекча олам манзарасининг бир қиррасини намоён эта олган.

Адиб асарларида матн-ўхшатишлар ҳам кенг қўлланилиб, бадиий матннинг эстетик таъсирчанлигини оширган ҳамда воқеликни ўқувчи тасаввурида аниқ гавдалантиришда асосий лингвопоэтик воситалардан бири бўлган. Асар қаҳрамони Музаффар тилидан айтилган ушбу матнда инсон хотираси эшиги ёпиб қўйилган омборга ўхшатилади. Тасодифий шамол билан очилиб кетган бу омбор ҳақида ёзувчи шундай ёзади: *Ажаб, инсон хотираси – эшиги ёпиб қўйилган омборга ўхшаркан. Омбор олдидан ҳар куни ўтасиз. Ўтасиз-у, ўз юмушингиз билан овора бўлиб, қайрилиб қарамайсиз. Вақти келиб тасодифий шамол омборнинг эшигини очиб юборади-ю, беихтиёр ичкарига мўралаб қарайсиз. Шунда қизиқ ҳолат рўй беради. Омбор ичида олтиндан азиз нарса ҳам, кўзингиз тушиши билан таъбингизни хира қиладиган қақир-қуқирлар ҳам қалашиб ётган бўлади. Алам қиладиган жойи шундаки, сиз улардан хоҳлаганингизни ажратиб ололмайсиз. Буниси керакли, бунисининг кераги йўқ, деб бирини олиб, иккинчисини улоқтириб ташлаш қўлингиздан келмайди. Ҳаммаси бараварига жон ато қилиб атрофингизни қуршаб олади.* Кўринадики, матн ўхшатиш асосида ҳосил қилинган. Унда инсоннинг яхши ва ёмон кечмишларига ишора қилувчи бирликлар:

---

[27]Маҳмудов Н. Ўхшатишлар ва миллий нигоҳ // Тил тилсими тадқиқи. –Тошкент: «Mumtoz so‘z» , 2017. –Б. 175.

[28]Усмонов Ф. Ўхшатишларда маданий коннотация // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2018. – № 6. – Б. 93.

[29]Усмонов Ф. Ўзбек тилидаги ўхшатишларнинг лингвомаданий тадқиқи: Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) дисс. – Тошкент, 2019. – Б. 69.

«*олтиндан азиз нарса ҳам, кўзингиз тушиши билан таъбингизни хира қиладиган қақир-қуқирлар ҳам*» матнга мажозий мазмун беради. Ўқувчи инсон хотираси ҳақиқатан эшиги ёпиб қўйилган омборга ўхшашини ич-ичидан тан олади, унга ёзувчининг хотирани омборга ўхшатиши эриш туюлмайди. Ёзувчининг матн – ўхшатишларидаги бетакрор қиёслар ортида оламни ўзбекча идрок билан кузатаётган ўзбек лингвомаданиятига мансуб кишининг нигоҳи яққол сезилиб туради. Низомиддин Маҳмудов мақолаларидан бирида ўхшатишларга *«миллий образли тафаккур тарзини намоён этадиган бирликлар»*[30] деб таъриф берган эди. Юқоридаги каби матн – ўхшатишлар Ўткир Ҳошимов тафаккурига хос образлилик ва миллийликнинг лисоний ифодаси сифатида қимматлидир.

Бобнинг иккинчи фасли «***Ономастик метафора ва ономастик метонимия маданий менталликни ифодалаш воситаси сифатида»*** деб аталиб, бунда ономастик метафора ва ономастик метонимиянинг лингвомаданий хусусияти таҳлилга тортилган. Метафора «Тафаккурнинг зарурий қуроли, илмий фикрнинг шакли»[31], «Ақлнинг қўлини узун қилувчи восита»[32], «Дунёни билишнинг энг қудратли қуролларидан бири»[33] ҳамда оламни англашнинг калити бўлиб, у инсон тафаккурининг хусусиятларини ўзида акс эттиради.

Метафораларни лингвомаданий ёндашувда ўрганиш ўзбек тилшунослигида ўзининг жиддий илмий-тадқиқий ривожини топди ҳамда бу борада тадқиқотлар сони кўпайди. Н.Маҳмудов[34], Д.Худойберганова[35], Ш.Усмонова[36], Н.Тўхтаходжаева[37], Г.Насруллаева[38], Ш.Махмараимова[39]ларнинг тадқиқотлари шулар жумласидандир. Юқорида номлари келтирилган олимларнинг тадқиқотларида метафора лингвомаданиятшуносликнинг объекти сифатида эътироф этилди. Айниқса, бу борада, Н. Маҳмудовнинг «Термин, образли сўз ва метафора» мақоласини алоҳида эътироф этиш зарур[40].

Шуни айтиш лозимки, маълум бир муаллиф асарларида қўлланган ономастик метафораларнинг лингвомаданий хусусияти махсус ўрганилган

---

[30]Маҳмудов. Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2011. – №3. –Б. 19-24.

[31]Ортега-и Гассет Х. Две великие метафоры // Теория метафоры. - М, 1990. – С. 59; Иқтибос манбаси: Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. –Тошкент: «Mumtoz so‘z», 2017. – Б.119.

[32] Иқтибос манбаси: Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. –Тошкент: «Mumtoz so‘z», 2017. – Б.120.

[33]Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. –Тошкент: Mumtoz so’z, 2017. – Б.120.

[34]Маҳмудов Н. Оламнинг лисоний манзараси ва сўз ўзлаштириш // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2015. №3. – Б. 3-12.

[35]Худойберганова Д. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол. фан. д-ри....дисс. – Тошкент, 2015. – 240 б.

[36]Усмонова Ш. Таржиманинг лингвомаданий аспектлари. – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2015. – 192 б.

[37]Тухтаходжаева Н. Бадиий таржимада лингвокультуремаларнинг ифодаланиши (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида): Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) ...дисс. –Тошкент, 2017. – 141 б.

[38]Насруллаева Г. Антропоцентрик метафоранинг лингвомаданий, коммуникатив, прагматик аспекти: Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) ...дисс. – Қарши, 2018. – 147 б.

[39]Махмараимова Ш. Оламнинг миллий лисоний тасвирида теоморфик метафоранинг когнитив аспекти: Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) ...дисс. – Қарши, 2018. – 168 б.

[40]Маҳмудов Н. Термин, образли сўз ва метафора / Тил тилсими тадқиқи. –Тошкент: «Mumtoz so‘z», 2017. – Б. 117-126.

ишлар ҳали юзага келган эмас. «Метафорик маънода қўлланган ономастик бирликнинг муайян лингвомаданиятда бирор-бир белгининг эталони сифатида қабул қилинганлиги намоён бўлса, иккинчи жиҳат бу бирликнинг ўша лингвомаданият вакиллари онгида ҳосил қилувчи тушунча ва тасаввурлари билан боғланади. Яъни муайян ономастик бирликнинг машҳурлиги – прецедентлик хусусиятига эга бўлиши уни метафорик маънода қўллашнинг зарурий шартларидан биридир»[41]. Адиб асарларида *Гамлет, Отелло, Гитлер* каби универсал; *Алпомиш, Барчин, Гўрўғли, Қоработир, Лайли, Мажнун, Отабек* каби миллий прецедент номларни кузатдик.

Ономастик метафора мақомида қўлланган бирликлардан бири *Қоработир* номидир. ***Қоработир*** – «Тоҳир ва Зуҳра» достонининг қаҳрамонларидан бирининг номи. Бу машҳур халқ достонида Қоработир Тоҳирнинг рақиби сифатида тасвирланган. Қоработир – Тоҳир ва Зуҳра севгилари ўртасида «қора» бўлган қаҳрамон. Ўзбек лингвомаданиятида бу ном севишганлар йўлига ғов бўлувчи қора ниятли шахс сифатида қабул қилинган. Мазкур антропоним «Қалбингга қулоқ сол» қиссасида қўлланилган. Аёнки, *Қоработир* номининг бир компоненти бўлган *қора* сўзи «ёмон, разил» маъносини ҳам англатади. Қиссада, бир томондан, *Қоработир* антропоними «сўзловчи» ном вазифасида муайян даражада роль ўйнаган бўлса, иккинчи томондан, аллюзив ном сифатида қўлланилиб, «Тоҳир ва Зуҳра» достонида тасвирланган Қоработирнинг Тоҳирга рақиб бўлганига ишора қилинган. Бунда мазкур антропоним интертекстуал матн яратишда восита бўлиб, Қоработир образи билан боғлик ассоциацияларни ҳосил қилган. *Қоработир* ономастик метафораси қисса қаҳрамони, Ёдгорнинг рақиби Дилшодга нисбатан қўлланилган: – *Ёдгор ака гапирсинлар! – Чарос қўлидаги бокал орқасидан унга мўралаб қаради. Ёдгор Дилшоднинг унга зарда билан қараб қўйганини кўриб, бояги худбинлиги учун ўзини койиди.* «*Оббо,* ***Қоработир*** *бўлиб қолдинг шекилли. Бировнинг оиласига раҳна солишинг қолувди».*

Маълумки, ўзбек адабиётида «Ўткан кунлар» миллий роман сифатида қадрланади. Романнинг асосий қаҳрамони бўлган *Отабек* номи бадиий матнларда аллюзив ном сифатида қўлланиб, асар воқеаларига ишора қилади. Мазкур антропоним Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романида қўлланилган. *Отабек* номининг «Ўткан кунлар» романи» маъносида қўлланиши роман қаҳрамонларининг ўзбек халқи орасида жуда машҳур эканлиги ҳамда *Отабек* исми «Ўтган кунлар» романи рамзи даражасига кўтарилганига ишора қилган: *Узундан-узун қиш кечалари дадам билан бобом нариги уйга кириб қироатхонлик қиладиган одат чиқаришди. Лампа битта. Ойим, мен, Кимсан акам бериги – қоронғу уйда сандал четида ўтирамиз. Ойим норози бўлиб чирқиллайди: – Лампамой анқонинг уруғи бўлмаса экан! Эртага нима қиламиз. Аммо «зиқна» бобом лампамойни аямайди. –Ўқинг, маълим, – дейди шанғиллаб. – Отабекни ўқинг.*

[41]Худойберганова Д. Кўрсатилган диссертация. – Б. 131.

Бобнинг учинчи фасли ***«Ўткир Ҳошимов асарларида миллий-маданий сўзларнинг қўлланиши»*** деб номланади. Бунда ёзувчи асарлари матнидаги ўзбек халқининг руҳияти, сажияси, умуман, миллий менталитетига оид хосликни таъминловчи миллий-маданий сўзлар ҳақида сўз юритилади. Адибнинг «Икки эшик ораси» романида тилимизнинг лингвомаданий табиати яққол намоён бўлган. Роман матнида учрайдиган миллий реалиялар, этнографизмлар, қарғиш, дуо ва қасамлар, ибора, мақол, ўхшатиш ва метафоралар ўзбек кишиларининг миллий психологияси ва миллий турмуш тарзи тасвирининг ҳаққоний ва таъсирчан бўлишига хизмат қилган. Роман матнида шундай бирликлар борки, улар ўзбек кишилари турмушига хос бўлган манзараларни ўқувчи кўз ўнгида гавдалантиришга хизмат қилган. Масалан: *Хонтахтага* ***қуроқ дастурхон*** *ёзилган, ўртада* ***писта, бодом, қанд-қурс тўла патнис*** *турарди. Даста-даста* ***қалампирнусха косалар.*** (67-бет). *Шифтга илинган ўттизинчи фонуснинг пилиги баландлатиб қўйилган,* ***токчалардаги чойнак, пиёлалар, мис баркашлар ялтирайди. Тахмонда янги кўрпа-тўшаклар, бурчакда эскироқ палак осиғлиқ...*** (109-бет). «Икки эшик ораси» романида Робия ва Шомуроднинг унаштирилиши, тўй куни келинни аравага ўтқазиб куёвникига олиб бориш воқеалари тасвирланган ўринлар ўзбек халқи урф-одатлари ҳақидаги энг жонли ва таъсирчан манзаралардир. Асарда қўлланилган *қозонқурар, базм, чаллари, сочқи, «тўққиз-тўққиз», келинсалом, маълум оши, тўй келди* каби этнографизмлар; *карнай-сурнай, атлас кўйлак, чуст дўппи, шойи рўмол, палак, тавонхона, мохора, қовурма чучвара, ҳолва, чимилдиқ, ёр-ёр, кўрмана* каби миллий реалиялар роман матнига ўзига хос миллий руҳ бағишлаган. Роман матнида қўлланган *беқасам тўн, чуст дўппи, ғижим рўмол, укпар қадалган дўппи, палак, чимилдиқ* каби миллий-маданий лисоний бирликлар маълум маънода ўзбек халқининг миллий-маданий тарихини акс эттиради. Ўткир Ҳошимовнинг барча асарларида ўзбек халқи миллий менталитетининг ранг-баранг қирралари ўз аксини топа олган. Ёзувчи ўз халқининг миллий қиёфасини сўз ёрдамида моҳирона чизиб берган. Бунда, шубҳасиз, лингвомаданий бирликларнинг ўрни беқиёс.

ХУЛОСА

1. Истиқлол йилларида ўзбек тилшунослигида лингвопоэтика бадиий матн тилини тилнинг айнан эстетик вазифасининг намоён бўлиши тарзида ўрганувчи соҳа эканлиги эътироф этилди ва бу борада салмоқли тадқиқотлар яратилди. Ҳозирги вақтда ўзбек лингвопоэтикаси ўз тадқиқ тамойиллари ва илмий аппаратига эга бўлган, ривожланиб бораётган соҳа ҳисобланади.

2. Ҳар бир тил муайян маданият маҳсули сифатида ўша маданият бағрида юзага келади ва ривожланади. Тил воситасида ҳосил қилинувчи матнда тил соҳиблари мансуб бўлган халқнинг анъаналари, урф-одатлари, миллий мулоқот меъёрлари, рамз ва стереотиплари акс этади. Шу сабабли лингвомаданиятшуносликка алоқадор бўлган маданиятшунослик соҳасида тил маданиятни акс эттирувчи энг муҳим шакллардан бири сифатида эътироф этилади. Шу нуқтаи назардан бадиий матн ижодкори айни вақтда ўзи мансуб бўлган маданият вакили, сўз воситасида халқининг миллий-маданий қиёфасини яратувчи шахс мақомида бўлади.

3. Ўткир Ҳошимов – тилимизнинг бетакрор оҳанглари, сержило маъно бўёқларини ўз асарлари орқали кўрсата олган ноёб истеъдод эгаси. У ўзбек тилининг имкониятларини ўз асарларида намойиш этибгина қолмай, уни турли маънолар, гўзал ифодалар билан ҳам бойитган. Шу сабабли Ўткир Ҳошимов асарлари тилини лингвопоэтик жиҳатдан таҳлил этиш тилшунослигимизнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

4. Ўткир Ҳошимов асарларида қўлланган лингвомаданий бирликлар миллатнинг дунёқарашини, идрок интизомини акс эттирувчи муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Адиб асарларини лингвомаданий жиҳатдан тадқиқ этиш ўзбек миллатининг маънавияти, миллий онгининг ўзига хосликлари, қадриятлари тизими моҳиятини ёритишда долзарб аҳамият касб этади. Ёзувчи асарларида қўлланган лингвомаданий бирликларнинг миллий лингвомаданиятда тутган ўрни, уларда акс этган миллий-образли тафаккурни таҳлил этиш муаллиф асарлари тилида инъикос этган қадриятлар тизимини, адибнинг миллий ўзига хос нигоҳини ёритиш имконини беради.

5. Ўткир Ҳошимов асарларида зид маъноли сўзлар воситасида матннинг таъсирчанлиги оширилган ҳамда ёзувчининг бадиий нияти аниқ ва ёрқин тасвирланган, кўзланган мақсад ўқувчига янада тез ва осон етказилган. Антонимлар кўмагида воқеа-ҳодисаларни ўзаро зид тарзда қўллаш, образлар моҳиятини очиш адиб услубининг ўзига хос жиҳати сифатида намоён бўлган.

Ёзувчи ўз асарларида тилимиздаги маънодош сўзлар ичидан тасвир мақсади ва руҳига мувофиқ келадиган аниқ сўзни топиб қўллашга ҳаракат қилган, шу тариқа қаҳрамонлари руҳияти ҳамда тасвир объектининг энг кичик қирраларини ҳам реал кўрсатиб берган. Адиб ўз асарларида воқеликка ижобий ёки салбий муносабат ифодалашда унга мос маънодош бирликларни маҳорат билан қўллай олган ҳамда бир тушунчани ифода этувчи синонимлар қаторидан назарда тутилган маъно ва ҳис-туйғуни ифода эта оладиган сўзни топиб, ундан ўринли фойдалана олган.

6. Ўткир Ҳошимов асарларида учрайдиган услубий конвергенция намуналари ёзувчи маҳоратининг натижаси бўлиши билан бирга унинг ўзига хос услубини кўрсатувчи ҳодиса ҳамдир. Ёзувчи асарларида хусусан такрорнинг бошқа услубий воситалар билан уйғунлик ҳосил қилиб, матннинг яхлит бадииятига хизмат қилиши энг кўп учрайдиган ҳолатлардан биридир. Адиб асарларида бир матн доирасида иккитадан олтитагача тасвирий воситалар қўлланган услубий конвергенциялар кузатилди. Мазкур ҳолат ўқувчига муайян бадиий матнда ифодаланган ғояни юқори эстетик савиядаги таъсирчан ифодаларда, ўзига хос қуйма бадиий шаклда етказишда муҳим лингвопоэтик омил вазифасини ўтаган.

7. Ўткир Ҳошимов асарларида ўзбек халқининг образли тафаккури, дунёқараши, турмуш тарзи, қадриятлари, феъл-атвори, эътиқод ва анъаналари акс этган ўхшатишлар кўп учрайди. Эътиборли жиҳати шундаки, адиб асарларида индивидуал-муаллифий ўхшатишлардан кўра ўзбек тили турғун ўхшатишлари кўп қўлланган. Ёзувчининг бу борадаги услуби Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Саид Аҳмад, Худойберди Тўхтабоев каби адибларнинг ўхшатишларни қўллашдаги услуби билан муштараклик ҳосил қилади. Турғун ўхшатишларнинг ёзувчи маҳорати туфайли тасвирийлик ва образлилик мақсадига бўйсундирилиши мазкур лисоний бирликларнинг эстетик имкониятлари (тасвирланаётган объект, персонажларнинг ташқи кўриниши, уларнинг муайян вазиятдаги руҳий ҳолати, воқеликка муносабат тарзини образли тарзда кўрсатиш)ни яна бир бор намойиш қилган бўлса, халқнинг миллий-маданий тасаввурлари, образли тафаккури инъикоси бўлган турғун ўхшатишларнинг кўплаб қўлланиши ёзувчи асарларида оламнинг ўзбекча лисоний манзарасига хос кўринишлар «панорамаси»ни юзага келтирган. Ёзувчи асарлари тилини халқона ва ширали қилган омиллардан бири унинг асарларида мана шу каби миллий ифодалар – лингвомаданий бирликларнинг унумли ва ўринли қўлланганидир, деб айтиш мумкин.

8. Ёзувчининг бадиий тафаккури ва тахайюли ҳосиласи бўлган хусусий ўхшатишлар ёзувчининг воқеликни идрок этиш тарзини кўрсатиши билан бирга ўқувчи бадиий-интеллектуал тафаккури даражасини ҳам юксалтиришга хизмат қилади. Адибнинг ўхшатишларни қўллашдаги ўзига хослиги, айниқса, унинг қаламига мансуб матн – ўхшатишларда кўринади. Адиб мазкур лингвомаданий бирликлардан воқеликнинг муҳим қирраларини фалсафий, айни вақтда, образли тарзда ёритишда моҳирона фойдалана билган. Ёзувчининг матн – ўхшатишларидаги бетакрор қиёслар ортида оламни ўзбекча идрок билан кузатаётган ўзбек лингвомаданиятига мансуб кишининг нигоҳи яққол сезилиб туради. Бу каби матн – ўхшатишлар Ўткир Ҳошимов тафаккурига хос образлилик ва миллийликнинг лисоний ифодаси сифатида қимматлидир. Бизнингча, бадиий асарларнинг лингвомаданий таҳлилида мана шундай – ижодкорнинг миллий тафаккурини ўзига хос лисоний шаклда намоён этувчи матнларга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқ лозим.

9. Адиб асарларидаги ономастик метафоралар халқимизнинг бадиий меросига, диний ва мифологик персонажларга, тарихий воқеалар, ижтимоий ва маданий ҳодисалар, ўзга лингвомаданиятлар билан мулоқотига асосланган. Ўткир Ҳошимов асарларидаги ономастик метафоралар таҳлили ёзувчининг прецедент номларни лингвопоэтик мақсадда нисбатан кўп қўллаганини кўрсатди. *Лайли, Мажнун, Отелло, Қоработир, Ҳотам* каби прецедент номлар шулар жумласидандир. Адиб ушбу лингвомаданий бирликлардан маънони кучайтириш, персонаж хусусиятларини бўрттириш, интертекстуал матн яратиш каби лингвопоэтик мақсадларда фойдаланган. Ўткир Ҳошимов асарларида қўлланилган ономастик метонимияларда эса лингвопоэтик вазифадан кўра лингвомаданий вазифа устуворлик касб этади. Масалан, адиб асарларида қўлланилган *Ёдгор, Олтмишвой* каби ономастик бирликларга алоқадор метонимиялар ўзбек халқининг исм қўйиш билан боғлиқ урф-одатларини; *Отабек, Гиргиттон хола, Дума, Закунчи* метонимиялари ўзбек халқи сажиясини, унинг воқеликка бўлган аксиологик муносабатини, миллий дунёқарашини акс эттиришга хизмат қилиб, муҳим лингвомаданий бирлик сифатида воқе бўлган.

10. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов асарларида ўзбек халқининг руҳияти, сажияси, умуман, миллий менталитетига оид лисоний бирликлар маҳорат билан қўлланган. Хусусан, адибнинг «Икки эшик ораси» романида тилимизнинг лингвомаданий табиати яққол намоён бўлган. Роман матнида учрайдиган миллий реалиялар, этнографизмлар, қарғиш, дуо ва қасамлар, ибора, мақол, ўхшатиш ва метафора каби лингвомаданий бирликлар ўзбек кишиларининг миллий психологияси ва миллий турмуш тарзи тасвирининг ҳаққоний ва таъсирчан бўлишини таъминлаган. Асарда қўлланилган *қозонқурар, базм, чаллари, сочқи, «тўққиз-тўққиз», келинсалом, маълум оши, тўй келди* каби этнографизмлар; *карнай-сурнай, атлас кўйлак, чуст дўппи, шойи рўмол, палак, тавонхона, мохора, қовурма чучвара, ҳолва, чимилдиқ, ёр-ёр, кўрмана* каби миллий реалиялар роман матнига ўзига хос миллий руҳ бағишлаган.

11. Ўткир Ҳошимовнинг барча асарларида ўзбек халқи миллий менталитетининг ранг-баранг қирралари ўз аксини топа олган. Ёзувчи ўз халқининг миллий қиёфасини сўз ёрдамида моҳирона чизиб берган. Бунда, шубҳасиз, лингвомаданий бирликларнинг ўрни беқиёс. Адабий меросимизда, замонавий адабиётимизда бу каби халқнинг миллий ўзлиги намоён бўлган асарлар кўп. Уларнинг лингвомаданий моҳиятини очиб бериш учун бошқа соҳалар қатори ўзбек лингвомаданиятшунослигини ҳам такомиллаштиришимиз, бу борада теран ва асосли тадқиқотларни яратишимиз лозим.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА, ЛИТЕРАТУРЫ И ФОЛЬКЛОРА

ИНСТИТУТ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА, ЛИТЕРАТУРЫ И ФОЛЬКЛОРА

МУКИМОВА ЗОХИДА РАСУЛОВНА

ЛИНГВОПОЭТИЧЕСКИЕ И ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ЯЗЫКА ПРОИЗВЕДЕНИЙ УТКИРА ХОШИМОВА

10.00.01 – Узбекский язык

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИ (PhD) ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам зарегистрирована Высшей Аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером №B2019.2.PhD/Fil450.

Диссертация выполнена в Институте узбекского языка, литературы и фольклора.

Автореферат диссертации на трёх (узбекский, русский, английский (резюме) языках размещен на веб-странице Научного совета (www.tai.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Худайберганова Дурдона Сидиковна**
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Юлдашев Маъруфжон Мухаммаджонович**
доктор филологических наук, доцент

Сапарниязова Муяссар
кандидат филологических наук, доцент

Ведущая организация: **Бухарский государственный университет**

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03 по присуждению ученых степеней при Институте узбекского языка, литературы и фольклора «__» _____2020 года в _____ часов. (Адрес: 100060, город Ташкент, проезд Шахрисабзский, дом 5. Тел.: (871) 233-36-50, факс: (871) 233-71-44; e-mail: uztafi@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Фундаментальной библиотеке Академии наук Республики Узбекистан (Зарегистрирован за номером ___). (Адрес: 700100, город Ташкент, улица Зиёлилар, дом 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Автореферат диссертации разослан «____» _____ 2020 года.
(Протокол реестра рассылки за № ___ от «____» _____ 2020 года).

Н.М.Махмудов
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.ф.н., профессор

Г.М. Исмоилов
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней
к.ф.н., старший научный сотрудник

И.Ж.Йулдошев
Заместитель председателя Научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.ф.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы. В мировой лингвистике все большую актуальность приобретает изучение лингвопоэтических и лингвокультурологических аспектов языковых единиц. Ибо, в мировой лингвистике начиная с конца XX века закрепляются исследования на основе антропоцентрического подхода, в настоящее время отрасль лингвистики, изучающая языковые единицы в тесной связи с культурой народа, стала одним из перспективных направлений. В последние десятилетия все больше внимания уделяется исследованиям с учетом фактора носителя языка, его национального менталитета и национальной культуры. Лингвопоэтический и лингвокультурный подходы к изучению поэтически актуализированных единиц языка произведений определенных авторов служит проведению более глубоких, более основательных исследований, демонстрирующих возможности нашего родного языка.

В мировой лингвистике вопрос связи языка и культуры, языка и мышления никогда не теряет своей актуальности. В исследованиях по лингвокультурологии изучается совокупность духовных ценностей и языковой опыт конкретной национально-культурной общности с непосредственным акцентом на признаки взаимосвязи языка и культуры. В лингвопоэтике же основной задачей является изучение языка художественного текста, единства формы и содержания, эстетической функции языковых единиц, их художественной ценности и эстетического воздействия на читателя. Новейшие исследования показывают, что появились также научные взгляды, исследующие эстетические свойства лингвокультурных единиц в художественном произведении.

Коренные реформы в сфере науки в наше стране, в особенности, принятые законы и указы по укреплению узбекского языка в качестве государственного, усилению его авторитета, активному использованию во всех отраслях общественной жизни обусловливают актуальность поднятия на качественно новый уровень научное изучение узбекского языка. Обозначенная в важном историческом документе о развитии нашего языка цель «кардинального повышения авторитета узбекского языка в общественной жизни нашего народа и на международной арене, воспитания подрастающего поколения в духе патриотизма»[42] поставила перед узбекскими лингвистами ряд задач. Изучение особенностей языка произведений писателей, привнёсших достойный вклад в развитие духовной культуры и языка народа, становится одной из актуальных вопросов современности. В этом плане язык произведений Уткира Хошимова достоин основательного изучения в целях раскрытия как эстетических, так и лингвокультурологических особенностей родного языка. Уткир Хошимов – писатель, творческое наследие которого, привнесло огромный вклад в

[42] Указ Президента Республики Узбекистан №УП-6084 “О мерах по дальнейшему развитию узбекского языка и совершенствованию языковой политики в стране” от 20 октября 2020 года. Источник: http://lex.uz docs/ 505835; uza.uz/uz/posts/mamlakat.

развитие узбекской культуры. В своих произведениях автор мастерски освещает высокую духовность, национальное мышление, психологию нашего народа с использованием возможностей узбекского языка. Следовательно, изучение языка произведений Уткира Хошимова является одной из актуальных проблем узбекского языкознания.

Данная диссертация в определенной степени способствует реализации задач, обозначенных в указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, №УП-5850 «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка» от 21 октября 2019 года, №УП-6084 «О мерах по дальнейшему развитию узбекского языка и совершенствованию языковой политики в стране» от 20 октября 2020 года, №УП-6097 «Об утверждении концепции развития науки до 2030 года» от 29 октября 2020 года, постановлениях Президента №ПП-4479 «О широком праздновании тридцатилетия принятия закона Республики Узбекистан «О государственном языке» от 4 октября 2019 года, Кабинета Министров №984 “Об утверждении положения о Департаменте развития государственного языка» и других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики «I. Социальное, правовое, экономическое, нравственно-духовное развитие информатизированного общества и демократического государства, развитие инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. В последнее время внимание филологов во всём мире привлекает проблема изучения лингвопоэтических и лингвокультурологических единиц художественного текста. Определенная работа в этом направлении проделана как в мировой, так и отечественной лингвистике.

В мировой лингвистике известны труды В.В.Виноградова, В.Я.Задорновой, А.А.Липгарта[43] лингвопоэтического характера; В.Н. Телии, В.В.Воробьёва, С.В.Ивановой, В.В.Красных, В.А.Масловой[44] по лингвокультурологии. В узбекском языкознании примечательны работы С.Каримова, Н.Махмудова, М.Ёкуббековой, М.Йулдошева,

---

[43]Виноградов В.В. Избранные труды. О языке художественной прозы. –М., 1980. –360 с; Шу муаллиф. Итоги обсуждения вопросов стилистики. –М., 1986. – С.117-189; Задорнова В.Я. Словесно-художественное произведение на разных языках как предмет лингвопоэтического исследования: Дисс. ...докт. филол. наук. –М., 1992. –152 с. Её же. Слово в художественном тексте / Язык, сознание, коммуникация: Сб. статей / Отв. ред. В. В. Красных, А. И. Изотов. – М.: МАКС Пресс, 2005. – С.115-125; Липгарт А.А. Лингвопоэтическое сопоставление: теория и метод. –М., 1994. –276 с; Его же. Лингвопоэтическое исследование художественного текста: теория и практика: Дисс. ... докт. филол. наук. – М., 1996. – 656 с.

[44]Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Языки русской культуры, 1996. – 288 с; Воробьев В.В. Лингвокультурология (теория и методы). –М.: РУДН, 1997. – 331 с; Иванова С.В. Культурологический аспект языковых единиц. – Уфа, 2002. – 114 с; Красных В.В. Этнопсихолингвистика и лингвокультурология: Курс лекций. – М.: Гнозис, 2002. – 284 с.; Маслова В. А. Лингвокультурология: Учеб. пос. для студ. вузов. – М.: Академия, 2001. – 208 с.

Д.Худойбергановой, Ш.Усмоновой, Д.Анданиязовой, Ш.Тошхужаевой, Г.Насруллаевой, Ф.Усмонова[45] и других, посвященные изучению языку художественных произведений и лингвокультурологических особенностей узбекского языка.

